

Нодиржон АБДУЛАХАТОВ,
 Тарих фанлари номзоди,
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 докторанти

БУХОРО АМИРИ ТАБИБИНИНГ ХОТИРАЛАРИ

Хотиралар, битиклар, автобиографиялар адабиётнинг бошқа жанрлари каби муаллифнинг шахсий ҳаётининг тажрибасига асосланади. Шу туфайли эсдалик хотиралар ўзининг субъектив характери билан ажралиб туради. Зеро, мазкур хотираларда ҳикоя фақат биринчи шахс томонидан олиб борилади. Айнан шу хислати учун ҳам эсдаликлар адабиётнинг энг долзарб жанрларидан бири ҳисобланади.

Бухоро Амири Олимхоннинг хос табиби “Ҳаким” таҳаллуси билан ижод қилган Мўминжон Ҳаким Марғилоний (1894-1973) хотираларининг муҳим хусусияти шундаки, унинг Амир Олимхон саройида юз берган тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлганидир. Гарчанд муаллифнинг ушбу хотиралари Бухоро амирлиги тарихи ҳақида бўлмаса-да, бироқ у Амир Олимхоннинг уламолар, муллалар ва жадидлар билан муносабати, унинг ҳукмронлик даври, ҳаёт тарзи, бошқарув услуби бухороликларнинг турмуши тарзи ҳақида қизиқарли маълумотларни баён этган. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Олимхон вақтини аввалидан то олти ойлар охиригача мен Бухорода бўлиб, аввали Бухорони энг катта олимларининг яқин хизматида бўлиб, охирида амир саройигача бориб кирдим”.

Мўминжон Ҳаким Марғилондаги Намозгоҳ мадрасасида ўқиётган вақтда 1908 йили наманганлик савдогар Мулла Насриддин билан танишиб ундан Бухоронинг машҳур муфтийси Домла Абдураззоқча ҳақидаги ҳикоялардан хабардор бўлади: “Домла Абдураззоқча муфти садур борлар. Бул киши ҳам асли марғилонликлар. Ёшликларида ота-оналари вафот этиб, бир ўғай акани кўлига қолиб, ниҳоят даражада қийинчиликларга чидамай 14 ёшида пиёда карвонлар орқасидан эргашиб, уларни қолдикларини еб, Бухорога бориб, қабристонларда, сағаналарда ётуб ўқуган эканлар” деб яна кўп нарсаларни менга ҳикоя қилди.

Ушбу ҳикоялардан завқланган Мўминжон Ҳаким 1909 йили ўн беш ёшида Бухорога йўл қийинчиликларига, мусофирчилик азобларига қарамай жўнайди. У ўзига умуман нотаниш бўлган Бухоро шаҳрига етиб келиши билан машҳур Муфтий Мулла Абдураззоқча хонадонини излаб топади. Мулла Абдураззоқча (Абдураззоқча, Абдураззоқча деб ҳам юритилади – Н.А.) Мўминжон Ҳакимнинг қанчалик тўғриси, ҳалол эканлигини аниқлаш борасида турли синовлар ўтказиб Мўминжон Ҳакимни ўзига шогирд сифатида қабул қилади.

Мўминжон Ҳакимнинг Бухорога келиши ва муфтий Абдурозик билан учрашиб, унинг уйида яшаб қолиши унинг келгуси ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки муфтий Абдурозик ўзининг синовлари туфайли Мўминжон Ҳакимга нисбатан ишончи ортиб, унга худди ўзининг яқин суҳбатдоши сифатида эҳтиром кўрсатган ва Мўминжон Ҳакимни худди ўз фарзандидек ардоқлаб келган. Шу сабабдан Мўминжон Ҳаким ўз хотираларида муфтий Абдурозикнинг Бухорога келиб қолиши билан боғлиқ воқеалар, унинг феъл-атвори, турмуш тарзи, кўриниши, оиласи ва вафоти тўғрисида қимматли маълумотларни баён этганки, бу маълумотлар бошқа адабиётларда учрамайди. Бу ҳақда “Домла Мулла Абдураззоқча садри шахсий ҳаёти ва турмуши”, номли бўлимида ҳикоя қилади.

Мўминжон Ҳакимга кўра, Муфтий Абдурозик домла 1331-ҳижрий йилнинг зулҳижжа ойининг 27-куни (милодий 1912 йилнинг 27 ноябрида) Маккада вафот этган. Мўминжон Ҳаким Муфтий Абдурозик домла ҳажга бориши вақтида бўлиб ўтган воқеаларни ҳам батафсил ҳикоя қилган. Шундай экан Мўминжон Ҳакимнинг Муфтий Абдурозик домла тўғрисида ёзиб қолдирган хотиралари тадқиқотчилар учун шубҳасиз муҳим манба сифатида илмий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқотларда “Бухоро амирлигидаги уламолар икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ Муҳаммад Икром ибн Абдуссалом Бухорий бошчилигидаги ислохотчилар бўлса, иккинчи гуруҳ муфти Абдураззоқ бошчилигидаги консерватизм тарафдорлари эди”, дейилади. Бироқ Мўминжон Ҳаким хотираларида Муфтий Абдурозик *“ўз даврини илм умонини энг бузруғи, ўшал даврнинг ҳамма илмларини мукамал билгувчи ва ҳар нарсага табиат кўзи билан қаровчи ва баъзи уламолар масалан, Мулло Ҳолмурод Тошкандий каби шогирдларига “керосин ва кавуш ўрисники” деб ман қилгувчиларга қулувчи бир киши бўлиб, ҳамма вақт камбағалларга махфий ёрдам қилгучи, меҳмонсевар бир киши” сифатида таърифланади.*

Мўминжон Ҳаким хотираларида ёзишича, унинг Бухоро амири саройида табиблик қилишича охириги манғит ҳукмдорлари амир

Музаффар (1860 – 1885), амир Абдулахад (1885 – 1910) ва Амир Олимхон (1910 – 1920) даврида саройнинг энг яқин кишиларидан бири сифатида фаолият юритган Мирзо Салимбекнинг (1851 – 1930) хизмати катта бўлган.

Мўминжон Ҳакимнинг ҳикоя қилишича куйидаги воқеа сабаб туфайли Мирзо Салимбек билан улар яқиндан танишиб қолган. Мўминжон Ҳаким 1915 йили қичима касалига дучор бўлади. У ўша вақтда бир муддат Самарқанддаги маҳаллий табиблар ва рус докторлари томонидан муолажа олади. Бироқ бу даволанишлари сира ёрдам бермагач доим ўзи билан олиб юрган “Мезон ул тиб” номли китобда берилган кўрсатмалар асосида малҳам тайёрлаб ўзини ўзи даволай бошлади. Натижада у қисқа муддатда буткул соғайиб кетади. Тиббиёт соҳасидаги ушбу илк муваффақият уни бутунлай тиб илмига диққат-эътиборини тортади.

Қисқа вақт ичида Мўминжон Ҳакимни Бухоро талабалари орасида табиб сифатида шуҳрати ортиб бораётган кезларда талабаларидан бири Мирзо Салимбекка ёш табиб тўғрисида сўзлаб беради. Кўпдан буён кенжа ўғлининг дардига даво топа олмаётган Мирзо Салимбек Мўминжон Ҳакимни уйига таклиф қилиб фарзандини даволашни илтимос қилади. Мўминжон Ҳаким нафақат Мирзо Салимбекни фарзандини балки жон берар ҳолатга келиб қолган аёлини ҳам даволаб унинг ишончини қозониш баробарида “Мирзо Салимбек билан бемалол ота-бола каби суҳбат қила оладиган даражада” яқин кишисига айланади. Мўминжон Ҳаким бу ҳақда хотираларини “Мирзо Салимбек (Мир Пойонни) танишиш” деб номланувчи бўлимида ҳикоя қилади:

“Мирзо Салимбек мен таниганда етмиш ёшлик қари бўлиб, энг таносуб аъзога эга ва қарилик ўзига кўп ярашган. Ўрта бўйлик, ўртача соқоллик, қотма келган улўсимон бир сипоҳ эди. Кейин бир мунча бор ул киши билан суҳбатлашгандан сўнг анча чуқур танишиш орқали маълум бўлди. Ул киши мулойим сўз, ниҳоят марҳаматлик, ҳар бир мухтож кишига ёрдамини берар, олим ва олийжаноб бир киши экан. Ҳар вақт ҳовлисида ўз сипоҳ ва хизматчиларидан бўлак ўн, ўн беш киши

умумий меҳмонхонада овқатланар ва уларнинг кўплари камбағал талабалар эди. Уларга тангалар ҳам бериб, кетарида бир мунча нон, канд ва чой туйдириб берар эди.

Эсимдадирки, 1949 йилда академия тиббий наук (академия наук) Москвага чақириб, укалит (lucalypt) тўғрисида мени докладимни кўйди. Докладга академик Орбели генерал формасида келганида менда бир шундай хаёл туғилди. Гўёки Мирзо Салимбек эшикдан кириб келгандек сездим. У киши Мирзо Салимбекка жуда ўхшар экан”.

Мирзо Салимбек истеъдодли табибни кашф этганидан хурсанд бўлиб сарой аёнларига Мўминжон Ҳаким ҳақидаги хушхабарни етказди. Натижада тез орада Бухоро амири саройидаги барча мулозимлар Мўминжон Ҳаким билан яқин муносабатга киришадилар. Улар ичида Олимхонни катта амакиси ҳамда катта хотинини отаси бўлмиш Тўраи Чоржўий номи билан машҳур бўлган Носирхон тўра ҳам бор эди. Бу ҳақда Мўминжон Ҳаким шундай ёзади:

“Мирзо Салимбек Мир Пойон ва бошқа вазирлар билан ҳар кун Амир Бухоро аркида бўлганда саломга чиқадирлар. Саломдан гоҳи амир билан баъзида ўзлари нонушта (завтрак) қилурлар. Бир кун амир олдида Мирзо Салимбек сезадирки, Тўра Чоржўи ниҳоятда хафа кўринадир. Бек сўрайдилар: “Тўрам нечук ахволингизни паришон кўраман. Нима ҳодиса рўй берди”. Тўра айтадирки: “Мени энг яқин ва ҳалол бир хизматчим оғир касалдурки, ўлуб қолса ҳамма хўжалигим паришон ҳолда қоладир. Шунинг учун хафадурман” дейди. Дарҳол Мирзо Салимбек дейди: “Тўрам мени бир Афлотун ёки Арасту янглиғ табибим бор. Бир кунда касалингизни даволаб кўядир” дейди ва ҳам Тўрага мени адресимни берадир. Шундан кейин Тўра менга қоровулбегини юборган экан”.

Мирзо Салимбек ва Носирхон тўраларнинг эътирофи натижасида Мўминжон Ҳаким 1915 йили расман Бухоро Амири Олимхоннинг табиби сифатида саройга қабул қилинган. Бу унинг ўша вақтида тушган суратига берилган изохда ҳам ўз ифодасини топган. “Абдумўмин (Мўминжон Ҳаким). 1915. 06.24. Бу сурат

биринчи кун Бухоро саройи табиби бўлиб, подшоҳлик сарпоси билан олинган суратдир”.

Мўминжон Ҳаким ўз хотираларида Бухоро амирлигининг сўнги давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати юзасидан сўз юритиши баробарида амирликнинг бошқарув тизими, уламолар фаолияти, Бухородаги тиббий аҳвол, аҳолини Наврўз байрамини нишонлаши тўғрисида, Бухорода ўғирлик билан боғлиқ ҳолатлар бўлмаслиги ва уларнинг сабаблари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлари келтириб ўтган.

Мўминжон Ҳакимнинг мазкур хотиралари XX асрнинг бошларидаги Бухоро амирлиги тарихига оид ўта бой, тарихий маълумотлар ва талқинларга эга бўлиш имкониятини беради.

Амирни дабдаба ва дастгоҳи

Амир беш вақт намозни тарк қилмас эди...Амир Олимхон ургутлик Валихон эшонга қўл бериб, мурид бўлгон эди. Арк саройида бўлганда, арк дарвозасидан кирганда биринчи иморат масжид эди. Амир беш вақт намозни бул масжидда жамоат билан ўқурди. Менга Ҳожи Зикриё ҳикоя қилади: “Неча кун бундан муқаддам пешин намозида сажда вақтида амирни бошидан салласи тушиб кетти. Ҳамма бошини саждадан кўтардилар. Амир бошини кўтармади. Сажда ҳолида турар эди. Ёнидаги киши намозини бузиб, аста саллани олиб амир бошига қўйганда амир бошини кўтарди”, – деди.

Амир Ситораи моҳи хосада бўлгонда бир уйни жойнамошлар билан жиҳозлаган эди. Ўзини махсус имоми бор эди. Доимо бирга юрар эди. Намозни ўзи имом орқасида бошқалар билан баробар туриб ўқур эди.

“Камбагал муллавачаман”

Бир талаба ҳазилнамо “Мен камбагал муллавачаман. Хужрамда қишга кўмирим йўқ”, – деб ариза берадир. Бе адрес бе ном.

Амир Олимхон хаёл қиладирки, “Бечора қашишоқ муллавача хатида хижолатдан номи ва адресини эсидан чиқарибдир. Бир туя кўмирни

муллобаччани топиб беринглар”, – дейди. Бир жевачи бир туяда тўрт қоп саксовул ва кўмир билан ҳар эртадан кечгача туяни етаклаб мадрасаю мадраса юрадир. Мадрасаларга кириб “Кўмир деб Жаноби олийга ариза қилган муллобачча борми”, – деб қичқиради. Мени мадрасамга ҳам келиб қичқирди. Икки ҳафта давом этиб, ҳар мадрасага неча борадан бечора жевачи туя кўмири билан бориб (амирни фармони бажо келтуруши лозим эди) охири амирга арз қиладир. “Ариза берувчи топилмади”, – деб. Ҳақиқатда бир муллобачча амирни масҳара қилиб ариза берган экан. Қўрқиб ўзича ҳеч кимга айтмай ўзини билдирмаган экан.

Амирни мадрасадаги муллавачча ошини ўғурлаши

Одатда мадрасада муллаваччалар дўппидек қозончада ош қилиб, ошини ёз вақтларида мадрасани саҳнида тунука ўчоғда қолдириб ҳужрасига ёки бўлак нарсага овора бўлиб турганда бирон сипоҳ кўрунмай пойлаб туриб ошини қозончаси билан амирга ўғурлаб кетишар эди.

Баъзи вақтда амирни муллавачча ошини егиси келиб қолар экан. Бир икки соатдан кейин ул муллаваччага катта тавоқда подшоҳ ошхонасидан ош, гўшт, ҳар хил ҳалволар, ёғлиқ нонлар икки-уч юз танга пул юборур эди. Ул юборган ош ва нон ҳалволарига йигирма-ўттиз киши баъзи кичик мадрасаларни бутун мударрис талабалари ер эдилар ва ҳам ҳамма бул олиб келган тавоқ ва асбоблар ошини ўғурлатган муллавачага қолар эдилар.

Бухорода ўғурлик йўқ эди

Мен 1909 йилдан 1919 йилгача Бухорода бўлган даврларимда бир бор ўғурлик бўлди. Бул мундай. 1914-йил эди. Одатдаги ҳар йилги бор сарпо вақтида Бухоро жоме бозор растасига махсус дўконга аркдан икки киши хазиначи хизматчиларидан неча сарполарни нархини биладиргон сипоҳ неча саночларда танга билан

келиб, ўшал дўконда уч кунгача ўлтурурлар эдилар.

Ҳар ким сипосини олиб келса, аниқ баҳосини бериб сарпони аркка олиб кетар эдилар. То янаги сарпогача. Кечасига саночдаги пуллар ўшал дўконда қолар эди. Кечаси ўзри раста тимини тоmidан тешиб, дўкондан икки саноч тангани олиб кетибдирлар. Икки кундан кейин ўғрилар ушландилар. Икки киши татарлар эканлар. Қирқ бирта яланғоч орқасига калтак уриб рус фуқароси бўлгани учун консулга топишурдилар...

Афғон тиллоси ва бошқа давлатлар тиллоси тўп-тўп гилам устида очиқ турар эди. У ерда эрта билан намози асрларгача ниҳоят халқ тиқин эди. Агар бирон киши бир чангал уриб қочса, ўн метрлардан кейин уни топиб олиш қийин эди ва ҳам суфани таги ковак бўлиб, қатор тахталар икки чўп орасидан киргизиб, бирта маҳаллий қулуфни мих билан мумкин очилиши.

Бул ҳамма тилло ва тангалар шул суфа тагига қўйилиб, неча қулуф билан қулуфланиб, фақат рус қозғоз пулигина кичик тунукка қутича билан уйига олиб кетадир.

Бу тагиток тўрт кўча бўлиб, кўчани ўртасида бутун кеча бир олтмиш-етмиш ёшлардаги кўкнори афюн ёки кўкнори ичиб олиб, ўртага ўт ёқиб, қумгон қайнатиб, чойнакда аччиқ чой афюн билан кайфи баланд, икки кўзи юмиқ калласи кўкрагида хаёл суртиб ўлтурур.

Ёнида асбоби икки метрлик чўбдир. Ўйроқдан келатурган одам шарфасини эшиптиб “Ким у?” деди. У одам “Худмо”, яъни “ўзиники” деб ёнидан ўтиб кетаверадир. Ҳатто бошини ҳам кўтариб қарамайди. Агарда ул ўтгувчи олдига келиб ноҳосдан “Воҳ” деб юборсами қўрқанидан ул кишини жони чиқиб кетар эди. Мана бундай тинчлик Бухорода ҳукм сурмоқда эди”.

XX асрнинг бошларидаги Бухоро амирлиги тарихига оид ўта бой, тарихий маълумотлар ва талқинларга эга бўлиш имкониятини беради. Мўминжон Ҳаким Марғилонийнинг ушбу хотиралари ҳозиргача нашр этилмаган. Асар жиддий ўрганилиб, тадқиқ этилиб **нашр** этилса, манғитлар даври тарихи бўйича муҳим тарихий манба **бўлиб** хизмат қила олади.